

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz www.adolat.uz

№ 14 (819) 2011 йил, 25 март, жума

ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ РАИСЛАРИ
САЙЛОВИ ТИЗИМИНИ

янада
такомиллаштиришнинг
аҳамияти

ВАҚТНИ ТЕЖАШ
КЕРАК,
СОҒЛИҚНИ-ЧИ?

7-бет

ОМАД СИЗГА,
УСТА!

8-бет

Расулжон Мирзаахмедовнинг ҳунармандларга қўлланма сифатида ёзган «Табий ранглар сирини» китоби 2007 йил ЮНЕСКО томонидан ўзбек тилида нашр этилиб, барча ҳунармандларга бепул тарқатилди. Унинг «Читгарлик сирлари» китоби ЮНЕСКО қўмағида, «Читгарликда ишлатиладиган қолиплар» номли рисолиси эса Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси иштирокида нашр қилиниши арафасида турибди.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 24 март куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Юсуф Ризо Гилонийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон — Покистон муносабатлари анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорликни равнақ топтиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги касб этгани муҳим омил бўлмоқда. Эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳада икки томонлама муносабатлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Покистон Ўзбекистонга ишончли ҳамкор, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутувчи мамлакат сифатида қаради. Икки мамлакат минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшни-

лари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан гоҳат манфаатдордир. Бу Ўзбекистон билан Покистон ўртасида тўғридан-тўғри транспорт тармоқларини барпо этиш, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун имкон яратлади.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлишидир. Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган салоҳияти, тобора ривожланаётган транспорт коммуникациялари ва халқаро логистика марказлари, изчил модернизация қилинаётган саноати, энергетика соҳасидаги имкониятлари савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун муҳим омил саналади. Бу йўналишларда қўшма минтақавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссия-

сининг 17 март куни Ислоҳ-ободда ўтказилган мажлисида шу масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Покистонда ўзбек ва урду тилларини ўрганиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакатнинг илм-фан, маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Покистонда ўтказиладиган илмий-амалий анжуманлар, фестиваллар ва бошқа маданий тадбирларда мунтазам қатнашиб келмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Юсуф Ризо Гилоний самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Покистон Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро фойдали алоқаларни, аввало, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Давра суҳбати

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Adolat» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузаси юзасидан «Давлат ҳокимияти бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичи

Парламентнинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдаги аҳамияти», «Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш соҳасидаги қонунчилик ташаббуслари», «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демок-

ратлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда акс этган долзарб масалалар жамиятимизнинг демократик ривожланиш даражасига монанд равишда кун тартибига қўйилган Истиқлолга эришилган йиллардан бошлаб бугунги кунгача босиб ўтган тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, юртимизда демократик андозаларга тўлиқ жавоб берадиган сиёсий тизим барпо этиш борасида жамият ҳаётининг изчиллик билан, босқич-ма-босқич эркинлашувини таъминловчи мустаҳкам ташкилий ҳуқуқий асослар яратилганини

яққол кўришимиз мумкин. Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатимизда фаолият самарадорлиги юқори бўлган кучли парламент, самарали ижро ҳокимияти, мустақил суд тизими шакллантирилди. Тирбошимиз томонидан белгилаб берилган «ўзбек модели» мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётни таъминлаш жараёнида синовлардан ўтди ва ўзини тўлиқ оқламоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш кенг қамровли масала ҳисобланади. Зеро, амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий йўналиши фу-

қароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини етарли даражада таъминлаш, сиёсий тизимда бевосита иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш жараёнларини тобора чуқурлаштиришга қаратилгандир.

— Конституциянинг 98-моддасига киритилаётган ўзгаришларга эътибор қаратадиган бўлсак, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тартиби жорий қилинмоқда, — деди «Adolat» СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев.

Давоми 2-бетда >>

Хотин-қизлар:

Тадбиркорлик ва оилапарварлик сифатларининг уйғун ривожини — кун тартибиди

Анжуман

Шоҳида ДАМАНОВА,
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва оилапарварлик сифатларини уйғун тарзда ривожлантириш муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат солиқ инспекцияси, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси, Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёл ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси», Маънавият ва тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари, оилашунос олимлар ҳамда партия фаоллари иштирок этдилар.

Тадбир Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳамда Республика «Оила» илмий-амалий маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланиши билан бошланди. Келгусида мазкур келишув доирасида ҳамкорлик шакллари ўз ичига олган қўшма лойиҳа, дастур ва тадбирлар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари И.Саифназаров кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Истиқлол йилларида аёлларга бўлган эътибор юксак чўққига кўтарилди. Бугун юртимизнинг турли жабҳаларида тадбиркорлик, илм-фан, тибби-

ёт, таълим соҳаларида аёллар эркаклар билан елкама-елка туриб фаолият олиб бормоқдалар. Бу эса жамиятда, ижтимоий ҳаётда аёлларнинг роли ошиб бораётганидан далolat. Зеро, жамиятнинг асосини оила ташкил қилади. Аёл эса оила таянчи ҳисобланади. Биз партия сайловолди дастурида оила масалаларига алоҳида эътибор қаратганимиз. Андижон вилоятида партия аъзоларининг 60 фоизини аёллар ташкил қилди. Бу кўрсаткичдан кўриниб турибдики, ўзбек аёллари бугун сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ёки фаолиятини энди-гина бошламоқчи бўлган аёлларга ҳар жиҳатдан кўмак бе-

риш — барча фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаларидан бўлиб турибди. Демак, партияимиз бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўз дастурини ишлаб чиқади ва вазифаларини аниқ белгилаб олади.

Тадбирда «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова, ФЖҲИ Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Б.Мамадиев, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси М.Азимовалар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Уларда таъкидландики, юртимизда азал-азалдан оилавий тадбиркорлик, оилада ҳўжалик ва рўзгор юритиш ишларини ташкил этиш ҳамда хусусий мулкка эга бўлиб, уни авлодларга мерос қилиб қолдириш анъаналари қадрланиб келинган. Айнан мана шундай анъаналар оила институтини мустаҳкамлаш баробарида унинг фаровонлигини ҳам таъминлайди. Шундай экан, хотин-қизларнинг амалда тадбиркорлик ва оилапарварлик сифатларини уйғун тарзда олиб боришлари учун биринчи навбатда ёш оилаларга кўмак бериш, эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ота-оналардаги тадбиркорлик, бизнес юритиш маданиятини ривожлантириш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини кучайтириш лозим. Бу эса, истиқболда яшшигина тадбиркор ва мулкдор оиланинг, қолаверса, ўрта қатламнинг шаклланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Давоми 2-бетда >>

Биласиз, Президентимиз Ислоҳ Каримов мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, бу — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эканлигини доим изчил таъкидлаб келади.

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Даромад ва фаровонлик «калит»и

Айни кезде давлатимиз раҳбари мамлакат тараққиёти йўлида мазкур тармоқни фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ мақсад-

га йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга оширишнинг давомийлигини таъминлаш зарурлигини ҳам бот-бот уқтириб туради.

Давоми 4-бетда >>



Инновациялар — тараққиёт омили

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Юртбошимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар ва улугвор ўзгаришлар берган натижалар чуқур таҳлил этилди.

Маърузада эришилган ютуқлардан келиб чиққан ҳолда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида олтига йўналишдан иборат Концепция, яъни, янги босқичга янги вазифалар белгилаб берилди. Улардан бири — демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўлди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиқиб, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилиш таклифи ўртага ташланди. «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги янги қонун шуларнинг бири.



Депутат минбари

Умид ЖУМАНИЕВОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Давоми 2-бетда >>

Партия ҳаёти



Давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичи

« Давом. Боши 1-бетда

— Унга кўра, Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Президентга таклиф этилиши кўзда тутилмоқда. Бу жуда чуқур мазмун-моҳиятга эга. Чунки Бош вазир номзодини кўрсатиш учун илгари қанча депутатлик ўринни эгаллаганидандан катти назар, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги ҳамма фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказилар эди. Яъни, кўп депутатлик ўринига эга бўлган фракция ҳам, кам депутатлик ўринига эга бўлган фракция ҳам бу масалада бир хил ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлиб қолган эдилар. Эндикда эса бу масалада кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партияга катта ҳуқуқ берилмоқда. Бу, энг аввало, сиёсий партияларнинг янада фаоллик кўрсатишига, сайловларга жиддий тайёргарлик кўришига, кўпроқ депутатлик ўринини олиш учун ҳаракат қилишга ундайди.

Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, демократик ислохотлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда босқичма-босқич ўтказилаётганини, жамият ҳаётининг барча соҳалари эркинлаштирилганлиги Асосий Қонунимизга бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконини бери. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни та-



раққий этган илгор мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, парламент сайловлари орқали кўлга киритилган депутатлик ўринлари ҳар бир сиёсий партиянинг жамият ва сиёсий ҳаётдаги реал ўринини белгилаб беради. Ана шу вазифалар ўзининг сайловолди дастурида демократик ҳуқуқий давлат, қучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиқлашган жамиятни шакллантириш жараёнида энг ролинни кучайтириши уз асосий мақсади деб ҳисоблаган Ўзбекистон «Адолат» СДП зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Зеро, парламент куйи палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия, Бош вазир номзодини таклиф этиш орқали, ушбу дастурларнинг ижросини амалга ошириш учун қулай имкониятга эга бўлади.

— Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишларга кўра Конституциямизга бир қатор ўзгартишларнинг киритилиши мамлакатимизда олиб борилаётган туб ва изчил ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг, тараққиётнинг яна бир янги даврига қадам ташлашнинг ҳуқуқий заминини бўлиб хизмат қилади, — деди Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси Абдуваҳоб Қўлманов. Уларни ҳаётда «муваффақиятли» татиқ этиш эса, биз ёшлардан сиёсий, ҳуқуқий савияни, фаолиқни ва юксак масъулиятни талаб этади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини изчил такомиллаштириш бўлиши — бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётини янгилаш ҳамда модернизация қилишнинг муҳим шартини. Концепцияда белгиланган давлат қўқимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бери. Бу — фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгроқ таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Муҳокамаларга бой тарзда ўтган давра суҳбати сўнггида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар олдилар.

Инновациялар — тараққиёт омили

« Давом. Боши 1-бетда

Мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодийётни тубдан ислоҳ қилиш, амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашни, юқори технологик истиқболли гоёлар ва ихтироларни амалиётга татиқ этиш, инновацион фикрлаш қобилиятини шакллантириш ҳамда инновация фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада фан-техника имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фан-техника аҳамиятини ошириш ҳамда муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнлари кенгайтирилиши давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Хусусан, «Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида», «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда.

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир пайтда бозор субъектларининг инновацион фаолиятига дахлдор масалалар ва уларнинг таъсирчан механизми мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан, биридир. Зеро, айнан инновациялар мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, таннархини пасайтириш, энергия истеъмолини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш асосида янги-янги бозорлар вужудга келиши имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори олимларимиз томонидан яратилаётган инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда қўл келмоқда.

Биласиз, Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўз дастурида тизимдаги ислохотларда фаол иштирок этиш гоёсини илгари суради. Қолаверса, партия — миллий иқтисодийётнинг барча тармоқларини инновацион ривожланиши масаласига биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратмоқдаки, бу — тизимга ҳам бевосита дахлдор масала. Чунки, соҳага фан ва техниканинг энг замонавий ютуқлари асосида ишлаб чиқилган илгор инновацион технологияларни изчил жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш — тизим хизмати сифатини янада яхшилашга қўмақ бериши, шубҳасиз.

Тўғри, кейинги йилларда тизимда улкан ўзгаришлар юз берди. Аммо ҳали бу борадаги ишлар кўлами ва салмоғини ҳозирги кун талабларига тўла жавоб бера олади, деб айтиб бўлмайди. Олимларимиз томонидан турли инновацион лойиҳалар, ихтиролар яратилмоқда. Аммо ушбу инновацион технологиялар биринчидан, ҳали соҳани замон талабларига мос равишда модернизация қилишга қодир эмас, иккинчидан — уларни амалиётга бевосита татиқ этиш масаласи ҳали тўлиқ ўз ечимини топан эмас.

Шу нуқтага назардан, партия Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодийётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш — мамлакатимизнинг илмий ва илмий-техник салоҳиятини янада тўлароқ рўёбга чиқариш шарт-шароитини яратади. Партия иқтисодийётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиқозлашга, алоҳида эътибор қаратиш билан бирга иқтисодийёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илгор инновацион фикрлашни тарбияладиган таълим тизимига таяниши даркорлигини алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, унинг сайловолди дастурида ҳам «Миллий инновация тизими»ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Негаки, бу янги истиқболда гоёлар, ихтироларни реал амалиётга тез татиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодийётга ўтиш учун муҳим омилга айланади», — дея қайд этилган.

Инновациялар қайси соҳага тегишли эканлигидан қатъи назар, уларни амалиётга муваффақиятли жорий этиш учун, энг аввало, айни шу масалага доир қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **ислоҳ қилиш жараёнлари мустақам ҳуқуқий негизга асослангандагина улар барқарор ва собитқад бўлади.**

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан ҳозирги кунда республикаимизда инновацион фаолият билан боғлиқ барча муносабатларни, шу жумладан, тизимга инновацион технологияларни жорий этиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқилмоқда, бу борада кенг кўламли тадқиқотлар, амалий ишлар қилинмоқда.

2008 йилдан буён ташкил этиб келинаётган ярмарка (кўргазма)ларда иқтисодийётнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қўллаб-қувватлар тақдим этиб келинаётди. Улар замонавий, тежамкор ва таннархи нисбатан арзонлиги билан бемалол рақобатга кириши олади. Чунончи, ўтган йили ўтказилган ярмаркада ёш олимлар ва ихтидорли талабаларнинг 80 дан ортқ инновацион технологиялари намойиш этилганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Аҳамиятли жиҳати, аъёнвий ўтказилаётган ярмаркаларда олимларимиз илгор инновацион ишланма ва лойиҳалар, замонавий қурилма ва технологияларни намойиш этиш билан бирга, республикаимиздаги йирик санаят корхоналари билан кооперацион шартномалар имзолаш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда. Ўз навбатида санаят корхоналарида импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда кенгаймоқда. Корхоналарда замонавий технологияларнинг қўлланилиши сарф-ҳаражатларнинг кескин қисқариши ва маҳсулот таннархи пасайишига, ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашувига туртки берапти. Бу эса ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлиқни таъминлаш учун муҳим омилга айланади.

Энг муҳими, Ўзбекистон «Адолат» СДП нинг сайловолди дастурида мамлакатни бозор иқтисодийёт асосида модернизациялаш, уни инновацион технологик жиҳатдан қайта жиқозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби масалалар устувор вазифалар қилиб белгилаб олинган. Бу борадаги ҳуқуқат ташаббусларини партия доим қўллаб-қувватлайди. Зотан, амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгилашлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концепцияда

Тадбиркор — жамиятнинг етакчи кучи

Фаолият

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати.

Қарши шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қашқадарё Минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамда Савдо-санаят палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг гаровидир» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда партия вилоят Кенгаши фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этишди.

— Мамлакатимизда иқтисодийётнинг муҳим соҳаси — тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимояси тизимини яратишга катта аҳамият берилмоқда, деди — партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бехруз Муродов. — Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун берилган имтиёз ва преференцияларнинг самардорлигини ошириш, партияимиз илгари сураётган инновацион фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни молиявий

нинг 292 нафари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида, 225 нафари касаначилик, хунармандчилик, 454 киши санаят, қурилиш ҳамда 679 киши эса бевосита ишлаб чиқаришда тадбиркорлик билан машғул. Айниқса, Ўзбекистон «Адолат» СДП Китоёб, Яққабоб, Қамаш туманлари Кенгашлари фаоллари ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, мамлакатимиз иқтисодийёт ҳамда аҳоли турмуш даражаси кўтарилушига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда нисбатан қисқа вақт ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун зарур бўлган тегишли ҳуқуқий меъёрий асослар яратилди. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда мамлакатимиз иқтисодийётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини таъминлаш олдидан қонунларни қабул қилишни долзарб масала сифатида кўрсатилганлиги, хусусан, Концепцияга мувофиқ «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиш таклиф этилаётганлиги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафо-

ана шу фаолиятни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш гоёсини илгари сурилди. Бу фақат соҳа муносабатлари эмас, балки жамиятни янгилаш ва модернизация қилишдан манфаатдор барча юртдошларимиз, жумладан, сиёсий партиялар вакиллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Боиси, ўзига хос хусусиятларга эга бундай бозорни ташкил қилиш биринчи мураккаб жараён бўлиб, илмий тадқиқот ёки ихтирочилик фаолияти натижаларининг интеллектуал мулк объектига айланиши учун муайян вақт ва муайян даражадаги харажатлар талаб қилади. Шунинг учун ҳам янги қонун соҳа субъектлари — илмий тадқиқот ёки ихтиро муаллифи ҳамда маҳсулот иштирослашган ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни молиялаш манбалари, фаолият усули ва воқолатларини аниқ белгилайди. Бир сўз билан айтганда, янги қонун интеллектуал мулк билан боғлиқ барча муносабатларни тартибга солишга йўналтирилади.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизнинг илмий-технологик ривожланиши миллий иқтисодийётнинг тараққиёт ва рақобатбардошлиқ даражасини белгиловчи муҳим омилга айланади. Бу эса соҳани модернизациялаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи қонуний ҳужжатлар мазмун-моҳиятини янада бойитиш, айниқса, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш учун барча соҳа вакиллари зиммасига Юртбошимиз томонидан яратилган концепция талабларини қатъи амалга ошириш жараёнида улкан вазифа ва улкан масъулият юклайди, албатта.

Энг муҳими, Ўзбекистон «Адолат» СДП нинг сайловолди дастурида мамлакатни бозор иқтисодийёт асосида модернизациялаш, уни инновацион технологик жиҳатдан қайта жиқозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби масалалар устувор вазифалар қилиб белгилаб олинган. Бу борадаги ҳуқуқат ташаббусларини партия доим қўллаб-қувватлайди. Зотан, амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгилашлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Хотин-қизлар:

Тадбиркорлик ва оилапарварлик сифатларининг уйғун ривожини — кун тартибиди

« Давом. Боши 1-бетда

— Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни илгари суриб, юртимизда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида оилавий бизнесни ривожлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ойша Охунова. — 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларни янада юксак поғонага кўтар-

ди. Бугун амалда бўлган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президентимизнинг қарор ва фармонлари нафақат хусусий тадбиркорликни, балки оилавий тадбиркорликни ҳам рағбатлантиришга алоҳида асос бўлиб хизмат қилади. Дарвоқе, мустақилликнинг 20 йиллиги кенг нишонланадиган тарихий йилда кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг муносиб улуши бўлиши, шубҳасиз. Чунки бугунги кунда иқтисодийётнинг реал секториди хотин-қизларнинг улуши 47,8 фоизни, жумладан, таълим, маданият, илм-фанда — 72,9, соғлиқни сақлаш тизимида — 75,3 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, юртимизда 81 минг нафардан зиёд тадбиркор аёллар орасида салкам

икки мингга яқин хотин-қизлар фермерлик соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Демак, Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболда тадбиркор ва мулкдор оилани шакллантиради. Шу боис, хусусан, ёш қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга фаол муносабатини шакллантириш, уларни ишбилармон, тадбиркор, билимдон қилиб вояга етказиш — жамиятда хотин-қизларнинг муносиб мақомини ҳам таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг тенг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — кучли фуқаролик жамияти сари элтувчи ишончли йўллардан биридир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштиришнинг аҳамияти

Концепция

Зокир ЯКУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими.

Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йилнинг 12 ноябда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида: “Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйламанки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмас керак” — дея таъкидлаб, маҳалла институти замонавий босқичда ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб ўтди. Улар:

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазибалари қўламини кенгайтириш; **Иккинчидан,** маҳалла институтининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш;

Учинчидан, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш; **Тўртинчидан** давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидagi вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш;

Бешинчидан, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаолигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилган маҳалла институти замонавий босқичда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ва ўтказишга қўлама қўлашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузилади ва демократик асосда ўз ваколатларини амалга оширади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазибалари номинда кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади;

— фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ховлилар, уйлар кўчалар, маҳаллалар, мавзёлар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади, овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади ва ҳ.к.

Шу ўринда мазкур сайловларни тартибга солиб турувчи мамлакатимиз қонун ҳужжатларининг универсал ҳамда минтақавий аҳамиятга эга бўлган халқаро стандартларга мослигига эътиборни қаратиш муҳимдир. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз беришга республикамизда тўпланган тажриба ҳамда 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 25-моддаси “b” банди қоидалари (“ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайлаш”)га, ЕХҲТ томонидан 1990 йил 29 июнда қабул қилинган инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаши ҳужжатининг 5.1-банди қоидалари (“амалиётда сайловчиларнинг ўз вакиллари сайлашлари чоғида фикр билдиришнинг таъминлайдиган шароитларда яширин овоз бериш ёки шунга тенг овоз бериш йўли билан оқилона вақт оралиқлари ўртасида ўтказиладиган эркин сайловлар”)га, сайловчиларнинг эркин хоҳиш-ирода билдирилишини таъминловчи, умумий, тенг сайлов ҳуқуқи билан яширин овоз бериш асосидаги сайловларнинг мунтазамлиги, мажбурийлиги, одилоналиги, чинакамлиги ва эркинлиги таъминланади”)га мувофиқлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш масаласида хорижий тажрибани ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки хорижий давлатларда ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкил этилиши, тузилиши, тизими, ваколатлари ва бошқа давлат органлари билан алоқадорлиги соҳасида ҳамда сайлов борасида катта назарий ва

амалий тажриба тўпланган. Жумладан, Францияда ўзини ўзи бошқаришнинг асоси “коммуна”лар ҳисобланади. (Францияда 36 мингдан ортик коммуналар мавжуд). Мазкур коммунанинг олий органи муниципал кенгаш бўлиб, умумий тўғридан-тўғри сайлов орқали 6 йил муддатга сайланади. Муниципал маслаҳатчилар мажлиши аҳолининг умумий сонига қараб 9 кишидан 69 кишигача (Парижда-163, Марселда-101, Лионда-73) бўлади. Муниципал кенгашларга сайланган шахслар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Мазкур давлатдаги коммуналарда аҳолининг сонига қараб муниципал кенгаш аъзоларини сайлашнинг икки тури қўлланилади. Коммуналарда аҳолиси 3500дан кам бўлган ҳудудларда сайловлар можаритар тизими бўйича икки босқичда ўтади. 3500 ва ундан аҳолиси кўп бўлган коммуналарда сайловнинг можоритар ва пропорционал тизими бирга қўшилиб ўтказилади.

Германияда эса, ўзини ўзи бошқаришнинг худудий бирлигини, шаҳар ва қишлоқларда мавжуд бўлган “община”лар ташкил қилади. Германиянинг бутун худуди 12 мингдан ортик общинадан иборат бўлиб, таркибига бир неча общиналарни оладиган — кишлоқ-туманлари, аҳолиси 100 минг кишидан кўп ҳамда “туманларга” бўйсунмайдиган — шаҳар-туманлари ва катта шаҳарларни ташкил қилади.

Ойдинлик киритилаётган масала юзасидан хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилганда, давлатимиз раҳбари томонидан “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган масала юзасидан айрим хорижий мамлакат экспертлари ўз фикрларини билдириб ўтганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, “Германия — Ўзбекистон” дўстлик жамияти президенти Вольфганг Шрайбер: “Маҳалла — Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ноёб институтидир. Маҳалла ўз фаолиятида одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари ва манфаатларини ифода қилади. У халқнинг ўзига хос овози ҳисобланади. Мамлакатингиз Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги ва кучли омил бўлади. Мамлакатингизда маҳал-

ланинг ва сиёсий партияларнинг роли янада ошади” дея таъкидлашининг ўзи ҳам бевосита фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига қаратилгандир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини такомиллаштиришга доир қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳалол, билимдон, тажрибали ҳамда аҳоли ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар сайланиши муҳимдир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига турган мураккаб масъулиятли вазифаларни ҳал этиш, аҳоли билан ишлашга шайлиги ва уларни ўз ортдан эргаштириш олиш маҳорати номзодларнинг асосий хислати бўлмоғи керак.

Маълумки, умумэътироф этилган ҳуқуқий нормаларга асосан суд ҳукми билан овоздан маҳрум қилинган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши чекланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси учинчи қисмини “Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, суд ҳукми билан овоздан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштирилиши мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” принципини амалга оширишдаги ролини янада кучайтиришга олиб келувчи яна бир мантқий қадам бўлиб хизмат қилади.

Сурхон воҳасида байрам шукуҳи

Байрам тадбирлари

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилоят Кенгаши
матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгаши фаоллари халқимизнинг севилими, янгиланиши ва яшарли айёми — Наврўз байрамини кўтаринки руҳ билан нишонламоқдалар. Партиянинг вилоят, шаҳар, туман ҳамда бошланғич ташкилотларида фаоллар иштирокида ўтказилаётган байрам тадбирлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ана шундай байрам тадбирларидан бири Термиз тумани Кенгаши ташаббуси билан шаҳардаги 6-умумтаълим мактабда бўлиб ўтди. Унда Саловат, Гулистон, Наврўз маҳаллалари аҳолиси иштирок этишди. Улуғ айёмда миллий анъаналаримиз, халқ хунарамандчилиги, халқ этногра-

фик чиқишлари, кўпқари, шунингдек, спортнинг барча йўналишлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

«Маҳаллаимиз қизлари» номи билан ташкил этилган беллашувда «Белбоғли кураш» бўйича маҳаллалар қизлари куч синашди. Унда Гулистон маҳалласидан Меҳринисо Қаймова, Саловат маҳалласидан Сарвиноз Боктаева, Наврўз маҳалласидан Мадина Шохжаевалар спорт шохсупасида биринчилики қўлга киритишди. Фоллиларни «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси вазибалари бажарувчи Абдурашул Хайруддин тадбирлари иштирокчилар соғалар билан тақдирлади. Партиянинг Термиз тумани Кенгаши раиси Дўстмурод Нормуродов эса шашка ва шахмат мусобақасида фолли чиққанларни спорт анжумалари билан мукофотлади.

Бундай кўнгилочар байрам тадбирлари вилоятдаги барча шаҳар, туман партия Кенгашларида бўлиб ўтди.

«Ёш адолатчилар»нинг байрам туҳфаси

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати.

Юртимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг қўлга киритган катта маънавий ва маърифий ютуқларимиздан бири — бу хурматли Юртбошимиз ташаббуси билан қайта тикланиб, бугунги кунда халқимизнинг муқаддас меросига айланган Наврўз байрамидир.

Байрам шодиёналари давом этаётган бир пайтда қорақалпоғистонлик «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам бу байрамнинг жойларда янада файзли, мазмунли ва эсда қоларлик даражада ўтиши учун бор билим ва истеъдодларини намойён қилишмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон давлат университетида мусиқий таълим ихтисослиги бўйича 2-босқичда тахсил олаётган «Ёш адолатчилар» қанотининг фаол аъзолари Ботир Мирзияев, Жавлон Сайтов ва Бай-

рам Матназаровлар байрам муносабати билан Тахиятош шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийлари санаториясида бўлиб, бу ерда дам олиб, даволанаётган 100 га яқин фахрий отахон ва онахонларга ўзларининг концерт дастурлари билан байрам шодликлари улашди. Ёш бахши Ботир Мирзияевнинг қорақалпоқ миллий зоиди айтган куй ва қўшиқлари, Жавлон Сайтов ҳамда Байрам Матназаровларнинг миллий эстрада йўналишлардаги чиқишлари қарилар олқишларига сазовор бўлди.

Концерт дастури сўнггида санатория бош шифокори Ж.Алиева, Нукус туманидан келиб дам олаётган 65 ёшли меҳнат фахрийси Қаржаубай Собиров, Кегейли туманидан келса онахон Саяткан Вайсовлар сўзга чиқиб, концерт дастурини ташкиллаштирган «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти ва ёш истеъдод эгаларига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар.

«Ободонликдан диллар яшнайдими»

шиори остида Ўзбекистон «Адолат» СДП Навбахор тумани кенгаши томонидан ўтказилган тадбир қишлоқ аҳлини юртимизнинг янада кўркам бўлишига чорлаб, кўча ва хиёбонларга саришталик олиб кирди

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Навоий вилоят Кенгаши
матбуот хизмати.

Истиклолнинг 20 йиллигига 20 тупдан кўчат ўтказиш ҳақидаги таклифини эшитган юрtdошларимиз белларини маҳкам боғлаганча ҳашарга отланишди. Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган ана шундай тадбирларда Ўзбекистон «Адолат» СДП худудий ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишаётди. Хусусан, Навбахор туманидаги Қўшқочти қишлоғида туман партия кенгаши «Ободонликдан диллар яшнайдими» шiori остида уюштирган тадбирда партия фаоллари, қишлоқ фуқаролари, фермерлар, зиёли-

лар, ёшлар уюшқоқлик билан иштирок этишди. Шу кунги қишлоқ кўрғига кўрқ қўшилди. Юзлаб турли мевали ва манзарали ниҳоллар экилди. Арик-зорлар тозаланиб, Наврўз байрам олдидан қишлоқ худуди ободонлаштирилди.

— Шу кунларда фаолларимиз томонидан бундай тадбирлар туманининг чекка худудларида ҳам ташкил этилмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Навбахор тумани кенгаши раиси Солиҳ Турдибоев. — Тадбирларни ташкил этишда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Бу шубҳасиз, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб, табиатга меҳр уйғотишда ижобий самара беради.

Мурувват ҳам фаолият

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилоят Кенгаши
матбуот хизмати.

Наврўзи олам нафақат она табиатга баҳорий кўркамлик бағишлаши, балки инсон қалбига меҳр-оқибат, мурувватлик туйғулари олиб кирувчи байрам ҳамдир. Ушбу шукуҳли кунда одамлар бир-бирларини қўлайдилар, шодликларини бирга баҳам кўрадилар, бир-бирлари ҳолидан хабар оладилар. Ана шундай халқимизга хос эзгу ва ўлмас қадрият Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари учун ҳам яхши анъанага айланган. Кўни кеча Ховос тумани партия Кенгаши фаоллари Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ғоибназар Раимназаров бошчилигида тумандаги Карвонсарой-2 маҳалласида истикомат қилаётган ижтимоий химояга эҳтиёжманд хонадонлар-

га ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олдлар. Биринчи гуруҳ ногирони Мухтор Эсонбоев ҳамда Улфатой Мадиевона хонадонларида бўлиб, уларга туман партия Кенгашининг хомийлик ёрдами ва байрам соғалари улашди.

— Инсон кўнглини соғва-салом эмас, балки, эътибор, меҳр-оқибат кўтаради, — дейди Мухтор ака. — Ана шундай бир пайтда кимгадир кераклигинингни ҳис қилиб, бошинг кўкка етади. Хонадонимга ташриф буюрган «Адолат»чилардан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Илоҳим, Юртимиз доимо тинч, осойишта ва обод бўлсин.

Кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгашининг барча бўғинидаги ташкилотларида шу каби тадбирлар ўтказилмоқда.



Ижтимоий ҳаёт

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида ёшлар фаол куч сифатида ўз иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этмоқдалар. Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш мақсадида «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ҳам ёшлар фаол иштирок этишяпти. Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси асосида «Камолот» ЁИХ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ҳамкорликда ёшлар орасида уч босқичдан иборат тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Концепция тарғиботида ёшлар фаоллиги

Илмий-амалий конференция

Илҳос САХАТОВ, «Adolat» мухбири.

Концепция тарғиботининг биринчи босқичида Харакат томонидан «Концепция — мамлакатимиз тараққийининг кафолати» лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 2010 йилнинг 28 декабрдан 2011 йилнинг 10 январига қадар республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилди.

Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг аҳамиятини келиб чиққан ҳолда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан 2011 йилнинг 11 мартдан 11 апрелига қадар «Концепцияни ўрганиш ойлиги» эълон қилинди. Айни кунларда ойлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Кўмита раислари Концепцияда белгиланган асосий йўналишлар бўйича 150 нафар энг фаол етакчи ёшлар учун семинар-тренинглари олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Миллий университети ва «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда ташкил этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси ҳам концепцияни ўрганишга бағишланди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ва магистрлар ҳамда талаба-ёшлар иштирокида таълим берилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар Ўртабшомид томонидан илгари сурилган Концепция мамлакатимизда демократик ривожланишининг янги босқичини бошлаб берганлигини, унинг халқчиллигини ва унда белгилаб берилган устувор йўналишлар замирида, энг аввало, Инсон мафратлари мужассамлашганлигини эътироф этишди.

— Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга оширишда фуқаролик жамиятининг барча институтлари қатори сиёсий пар-

тиялар олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров. — Давлатимиз раҳбарининг маърузаларидан келиб чиқиб, тайёрланган Харакат дастури-ни амалга оширишга Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари, ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари, турли фуқаролик жамияти институтлари, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамиятлар ҳамкорликка чақирилиб, ушбу ишга сафарбар этилмоқда. Фракциямиз

Исабоев. — Биз ёшларнинг мазкур конференцияда ўз мулоҳазаларимиз билан иштирок этишимиз Концепциянинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ аниқлаш билан бир қаторда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги бевоқифликни иштирақимиз ва келгусидаги мақсадларимизни аниқ белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Концепциянинг юртимиз ёшлари орасида кенг тарғиб этилиши уларнинг сиёсий фаолликларини янада ошириб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти, тараққий топган иқтисодиёт ва шулар асосида эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда, барча эзгу орзумидларимизга эришишда Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади.

Ислом КАРИМОВ

конун лойиҳалари тайёрлаш режаларини қайта кўриб чиқишга қарор қилди, ҳатто улар йўналишида ва жамият ҳаётининг у ёки бу соҳаларини қамраб олса ҳам биз навбатдаги даврга ўз тажрибамизни такомиллаштирамиз. Биз келажакда қабул қилинадиган қонунларни ишлаб чиқишга жойлардаги мутахассислар, экспертлар, малакали кадрлар, шунингдек, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатларни жалб этишди режалаштирамиз.

Конференцияда Концепциядаги барча йўналишлар бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда муҳокамалар бўлиб ўтди. — Тадбирда ўзимнинг «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий вакиллик органларида қарорлар қабул қилиш ва унинг ижро самардорлигини ошириш» мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим, — деди Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг Амалий сиёсатшунослиги йўналиши магистранти Мақсуд

Конференцияда иштирок этган мамлакатимиздаги 30 дан ортиқ Олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг маърузалари ҳам тақдим этилди. Ундан ўрин олган 120 га яқин мақолаларнинг 50 фозидан ортиги айнан ёш тадқиқотчилар ва талабалар томонидан тайёрланган ҳам ёшларнинг фаоллигини намойиш этди. Ушбу тўплам Концепциянинг мазмун-моҳиятини тарғибот ва ташвиқот қилишда Республика Олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилари ва талабаларнинг бу борадаги ташаббусларини юзага чиқаришда яқиндан ёрдам беради.

«Концепцияни ўрганиш ойлиги» доирасида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясида фаол иштирок этган талаба-ёшлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Даромад ва фаровонлик «КАЛИТ»И

« Давоми. Боши 1-бетда

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номлангани ва шу йил 7 февраль куни имзо чекилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида» қарор фикримизнинг яққол далили. Қолаверса, Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам соҳага алоҳида урғу бериб, тармоқнинг «мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятни ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди» деб таърифладилар.

Дарвоқе, бу тармоқ кўлаб ривожланган мамлакатларда янги иш ўринлари яратиш, бюджет даромадини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш шароитини яхшилашда муҳим моҳият касб этади. Интернет манбаларига кўра, айни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунёдаги барча бизнес субъектларининг деярли 99 фозини ташкил қиларкан. Глобал ялпи ички маҳсулотнинг ҳам 40-50 фозини кичик бизнес соҳаси ишлаб чиқаради. Мана, масалан, Сингапур давлатини олинган мамлакатдаги ҳамма корхоналарнинг 92 фозини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Ундаги аҳолининг 75 фозини ўки бу корхонанинг акциядорлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқаро молия муассасалари бу мамлакатни кичик бизнес учун энг қулай шароитга эга давлатлар сирасига киритган.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эътиборни кучайтириш лозимлигини ҳалихануз давом этаётган жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидан олинган сабаблар ҳам тақозо этмоқда. Чунки, кичик бизнес рақобат шароитига тез мослашади, йўналишини талабга кўра илҳамли билан ўзгартира олади, маҳсулотларини бозор талабларига бинноч чакқонгина диверсификация қилиш қобилиятига эга. Йирик корпорация ва компаниялар эса бундай салоҳиятга эга эмас. Демак, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини Юртбошимиз айтганидек, «**ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди**».

Тармоқнинг қонунчилик асослари ҳақида ҳам сўз юритилганда уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари иштирокини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўтган йиллар давомида бу борада Давлат дастури тўғрисида» қарор фикримизнинг яққол далили. Қолаверса, Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам соҳага алоҳида урғу бериб, тармоқнинг «мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятни ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди» деб таърифладилар.

Дарвоқе, бу тармоқ кўлаб ривожланган мамлакатларда янги иш ўринлари яратиш, бюджет даромадини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш шароитини яхшилашда муҳим моҳият касб этади. Интернет манбаларига кўра, айни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунёдаги барча бизнес субъектларининг деярли 99 фозини ташкил қиларкан. Глобал ялпи ички маҳсулотнинг ҳам 40-50 фозини кичик бизнес соҳаси ишлаб чиқаради. Мана, масалан, Сингапур давлатини олинган мамлакатдаги ҳамма корхоналарнинг 92 фозини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Ундаги аҳолининг 75 фозини ўки бу корхонанинг акциядорлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқаро молия муассасалари бу мамлакатни кичик бизнес учун энг қулай шароитга эга давлатлар сирасига киритган.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эътиборни кучайтириш лозимлигини ҳалихануз давом этаётган жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидан олинган сабаблар ҳам тақозо этмоқда. Чунки, кичик бизнес рақобат шароитига тез мослашади, йўналишини талабга кўра илҳамли билан ўзгартира олади, маҳсулотларини бозор талабларига бинноч чакқонгина диверсификация қилиш қобилиятига эга. Йирик корпорация ва компаниялар эса бундай салоҳиятга эга эмас. Демак, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини Юртбошимиз айтганидек, «**ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди**».

Янги ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши, янги иш ўринлари, тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмида қатор янгилликлар бўлиши турган гап.

Чунки эришилган, эришилаётган иқтисодий ютуқлар нечоғли салмоқли бўлса, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги залвори ҳам шу чоғли серсалмоқ, серзалвор бўлади, албатта.

Мана қаранг: агар 2000 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулотнинг 30 фозини кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 53 фозига етди. 2011 йилда бу марра 54 фозига ошиши

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмининг янада такомиллаштиришга ва уларнинг ҳажмини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд қилинганидек, бу борада Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда биринчи навбатда инвестиция мақсадлари учун узок муддатли кредитлар ажратиш

Бугунги кунда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эътиборни кучайтириш лозимлигини ҳалихануз давом этаётган жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидан олинган сабаблар ҳам тақозо этмоқда. Чунки, кичик бизнес рақобат шароитига тез мослашади, йўналишини талабга кўра илҳамли билан ўзгартира олади, маҳсулотларини бозор талабларига бинноч чакқонгина диверсификация қилиш қобилиятига эга. Йирик корпорация ва компаниялар эса бундай салоҳиятга эга эмас. Демак, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини Юртбошимиз айтганидек, «**ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди**».

мўлжалланган. Бугунги кунда юртимизда иш билан банд аҳолининг 74 фозидан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани нуктаи назаридан, биргина ўтган 2010 йилнинг ўзига соҳани ривожлантириш вазиди 480 мингга янги иш ўринлари яратилди.

2011 йилга мўлжалланган ва Парламент томонидан маъқулланган аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган. Уларнинг 600 мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига мўлжалланган...

Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида кулай бизнес муҳити яратишиб, хусусий мулкчиликнинг устуворлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Президентимиз қабул қилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида» қарорда эса яратилаётган ана шу муҳитни янада қулайлаштириш ҳамда хусусий мулкчилик устуворлигини янада тўлароқ таъминлаш йўлида уларга берилаётган эркинлик доирасини кенгайтириш, бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Бу — тармоқ субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувлар олди олиниб, ҳуқуқбузарларга қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормалари қўлланади, деганидир. Дастурда, дарвоқе, кичик

механизмларини такомиллаштириш йўллари кидирмоқда. Жумладан, кредитлар ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш қўламини кенгайтириш ишлари давом этиб, жорий йилда тижорат банклари томонидан тармоққа ажратиладиган кредитлар ҳажми камида 1,3 баробар кўпайтирилиши кутилаётди. Қолаверса, бу йилда Ўзбекистон банклар Ассоциацияси ҳам тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси тузиш режасини қилмоқда. Бу эса шубҳасиз, кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган барча йўналишларни изчил рўёбга чиқариш — тармоқнинг барқарор ривожланишига, айниқса, экспорт салоҳиятини кучайтиришга, ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishга, пировардида, аҳолини, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлашга ҳамда уларнинг муносиб даромад топишига, фаровонлигини оширишга кўмак беради. Бир сўз билан айтганда, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий барқарорлик, бу — муштарак тушунчалар. Улар даромад ва фаровонлигимиз «калит»ларидир.

Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти —

жамоатчилик диққат марказида

Тадбир

Шоҳида ДАМАНОВА, «Adolat» мухбири.

Кейинги пайтларда «мафкуравий, гоғий, ва информация кураш», «оммавий таҳдид» деган атамалар тез-тез қуллоққа чалинмоқда. Уша мафкуравий ҳавфнинг ўзи нима эканлигини, оқибати нималарга олиб келишини ёшлар онгига сингдириш бугуннинг долзарб вазифасига айланмоқда. «...Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши, деган эди Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига, — доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин».

Ёшларни маънавиятимизга ёт гоғий таъсиридан ҳимоялаш, оммавий таҳдидлар ҳамда ахборот хуружларига қарши курашиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши республикамизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар ва анжуманлар

ўтказиб келмоқда. Ушбу анжуманларнинг якуни юзасидан Республика маънавият ва тарғибот марказида ташкил этилган тадбир «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда

«Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқаро психологлар ассоциацияси аъзолари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари, «Камолот» ЁИХ фаоллари иштирок этдилар.

Таъкидландики, 14 февралдан 14 мартгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган мазкур йўналишдаги анжуманларда 15 мингга яқин ёшлар иштирок этди. Улар доирасида ўтказилган ижтимоий сўровларда 10 мингдан ортиқ ёшлар қатнашди.

— Анжуманнинг биринчи босқичини 14 февралга мўлжаллаганимизнинг ўзига хос маъносига бор эди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммадджонова. — Зеро, ўша кун буюк ажодларимиздан бири — Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун. Афсуски, бу кунни кўп ёшлар «Севишганлар кунини» дея тан олганини биз ижтимоий сўровлар натижасида билиб ол-

дик. Миллий кадрларимизга муртоқо ёт «Севишганлар кунини» ниқоби остида кириб келган бу «сана»нинг салбий оқибатларини аъзолатга олган ҳолда Миллий гоғ ва мафкура илмий-амалий маркази кўмагида тарқатма материаллар ҳамда тарғибот фильми тайёрладик. Ёшлар ўртасида «ГОТлар, ЭМОлар кимлар?», «Таъжнинг қандай турларини биласиз?», «Сизда ҳам татуаж ёки татуировка қилдириш хоҳиши борми?» каби саволлар орқали ижтимоий сўровлар ўтказилди. Сўров натижаларига кўра, 90 фоз иштирокчи оммавий таҳдидлар сирасига кирувчи ГОТ ва ЭМОлар йўналишидан беҳабар эканлиги маълум бўлди. Татуаж, пирсинг ва татуировкага 100 фоз ёшлар бир овоздан қарши эканликларини маълум қилишди. Оммавий таҳдидларнинг маънавиятимиз, миллий мафкураимизга ҳавф солаётгани, унинг неча асрлар давомида эъзозланиб келадиган кадрларимизни топтовал салбий омиллардан бири эканини ёшлар онгига сингдириш

анжуманинг асосий мақсади бўлди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Эркин Юсупов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Ёшларга ўз маънавий оламини болалик чоғлариданоқ бойитиб, дунёқарашини кенгайтириб, онгиде соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, миллий кадрларимизга ҳурмат кўрсатиш кўникмаларини шакллантириб бориш, сиёсий қарор қилиш, муштарак фикрга эга, узокни ўйлаб иш қиладиган инсон бўлиб этилашди ва ҳар қандай таҳдидларга сергак бўлади. Фарзандларимизни ана шу хатарлардан, турли ёт гоғийлар таъсиридан ҳимоя қилишда ота-оналар, маҳалла ва албатта ўқитувчилар, мураббийлар маъсуддилар. Уларнинг огоҳлиги ва сергаклиги ҳар бир ёшнинг касб-хўнарга тўри йўналири, ҳаёт йўлини тўри танлаб олишида мустаҳкам пойдевор яратади.



Кичик корхона одимлари

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат

Мамлакатимизда хусусий сектор ривожига берилаётган эътибор Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес субъектлари фаолиятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Нукус шаҳридаги «Бахшош Бахит Мейраметов» масъулия-

ти чекланган жамияти бола-лар ва катталар учун замонавий бичимда кийим-кечаклар ҳамда бюртмалар асосида пардалар тиқишга ихтисослашган. Беш киши иш билан таъминланган кичик корхонанинг маҳсулотлари бюртма-чи ва харидорларга манзур бўлаётди. **Суратда: тикувчи Наргиза Хожаҳметова.**

Табрик

“Uzbekistan industrial forum – 2011”

Кўргазма

Ўз мухбиримиз.

Пойтахтимиздаги “Ўзэксспомарказ” мажмуида “Uzbekistan industrial forum – 2011” иккинчи халқаро саноат форуми бошланди. Форум доирасида “UzMetalMashExpo” — металлургия, металлларга ишлов бериш, машинасозлик, “UzMiningExpo” — тоғ-кон саноати учун технологиялар ҳамда жиҳоз ва ускуналар, “UzSpecTechExpo” — махсус техникаларига ихтисослашган кўргазмалари ҳам очилди.

Мазкур халқаро кўргазмалар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзавтотўл” компанияси, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси, “IEG Uzbekistan” кўр-

газма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма павильонларида Ўзбекистон, Германия, Япония, Хитой, Россия, Украина, Беларусь, Ҳиндистон, Қозоғистон каби кўплаб давлатларнинг ўнлаб йирик компания ва кор-

хоналари металлургия, машинасозлик ва бошқа соҳаларга оид маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Хусусан, Германиянинг “Engineering dobersek gmbh”, Украинанинг “Новокраматорск машинасозлик заводи” каби компания ва корхоналар металлургия, металлга ишлов бериш, гидротехника, тоғ-кон саноати техникаси ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, пайвандлаш аппаратлари, махсус жиҳоз ва ускуналарини намойиш этмоқда. Экспозицияда Хитойнинг етакчи корхоналарида ишлаб чиқарилган йўл қурилиш махсус техникаси, юк автомобиллари, автогрейдерлар, экскаваторлар ва бошқа турдаги техника ҳамда ускуналар билан та-

нишиш мумкин. Кўргазмада иштирок этаётган Ўзбек-Хитой савдо уйи қошидаги ихтисослаштирилган лизинг компанияси — “China Leasing Group” вакиллари иштирокчиларга Хитойда ишлаб чиқарилган турли махсус қурилиш техникасини лизинг асосида сотиб олиш тартиб-қоида-лари ҳақида маълумотлар бермоқда. Япониянинг “Tajima Industries Ltd” корхонасида ишлаб чиқарилган матога нақш босиш ускунаси ҳам тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада юртимизда фаолият олиб бораётган корхоналар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар.

Ибратга лойиқ фаолиятга

муносиб имтиёз ва рағбат

Солиқ

Б.ОРИБХЎЖАЕВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими.

Мамлакатимизда рақобатбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантиришга, бундай моллар билан ички бозорларимизни тўлдиришга катта аҳамият берилмоқда. Президентимизнинг “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада барча тадбиркор ҳамда ишбилармонларга кенг имкониятлар яратди.

Хусусан, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали янги иш ўринлари яратишда туманимизда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўтган бир йил давомида ана шундай корхоналардан ўн бештасига 7 миллиард 296 миллион сўмлик солиқ тўлови имтиёзлари

берилиб, муносиб рағбатлантирилди. Нафақат сифатли маҳсулотлари, балки мунтазам равишда янги-янги иш ўринлари ташкил этаётган Тошкент қувур заводи, “Алютекс” ва “Ўзтехчирчик” корхоналари шулар жумласидандир. Улар қатори туманимизда яна бир қатор саноат корхоналари ҳам рақобатбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтириш асосида ибратга молик фаолият кўрсатмоқдаларки, уларга ҳам тўлов имтиёзлари бериш ва рағбатлантириш борасида изчил иш олиб бораёلمиз.

Паспорт биопаспортга алмаштириладими?

Сўранг, жавоб берамиз

Сўхбатдош: Фармуца МУРОДОВА,
«Adolat» мухбири.

“... Сўнги кезларда ОАВда ва баъзан телекўрсатувларда биопаспорт ҳақида гап-сўзлар бўлаётти. Биопаспорт нима? У ҳаммага бирдек бериладими? Шу ҳақида имкон қадар маълумот олишни истардик”.

Гуллисо ШУКУРОВА,

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

Ўқиган бўлсангиз, жорий йилнинг 5 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда «Паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ республикада 2015 йилнинг охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимига тўлиқ ўтилади.

Муштарийларимиз саволига кўра, мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароларни расмийлаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари, майор Азиз Тангиров билан шу мавзуда қисқа сўхбатда бўлди.

— Азиз Эргашевич, аввало биопаспорт, унинг аҳамияти ва зарурати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Биометрик паспортнинг республикада жорий этилишининг ўзига хос сабаблари бор. Бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида биометрик паспорт жорий этилган. Мазкур паспорт шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг қалбақлаштирилишини олдини олиш ҳамда ҳимоя тизимини кучайтиришга хизмат қилади. Энг асосийси, фуқароларимизнинг дунёнинг барча мамлакатларида эркин ҳаракатланишлари учун тегишли шарт-

шароитлар яратилади. Биометрик паспорт давлат чегарасидан ўтаётган шахснинг тезкор ва аниқ идентификация қилиш имкониятини яратиш билан ҳам аҳамиятлидир.

Биометрик паспортнинг орқа муқовасига махсус қурилма — микрочип жойлаштирилади. Микрочипга фуқаронинг биометрик ва биографик маълумотларининг электрон нусхаси киритилади. Бу — чегара пунктларидан ўтиш жараёнида фуқаронинг шахсини идентификация қилишни энгиллаштиради. Шу билан бирга, уюшган жиноятчилик, халқаро терроризм каби ҳолатларга қарши курашиш, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

— Шахснинг биометрик ва биографик параметрлари деганда айнан нималар назарда тутилган?

Биографик маълумот — бу, фуқаронинг исми, шарифи, отасининг исми, туғилган санаси, манзили каби маълумотларини ўз ичига олади. Биометрик маълумот эса фуқаронинг электрон кўринишига ўтказилган фотосурати ҳамда бармоқ излари демакдир.

— Биометрик паспорт берилиши босқичлари қандай бўлади?

— Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 23 июнидаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт бериш жараёни икки босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Биринчи босқич — 2011 йилдан бошланиб, бунда асосан, республика вазирликлари, идоралари, муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элда хизмат қиладиган фуқароларимизга, шунингдек, муайян ёшга тўлган, қонунда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган шахсларга берилиши мўлжалланган. Иккинчи босқич 2012-2015 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу муддатда республикаимизнинг барча фуқаролари тўлиқ янги биометрик паспортлари билан ҳужжатлаштирилади.

— Ўзбекистонда яшаётган бошқа фуқаролар ҳам биопаспортлар олишадими?

— Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги йўқ шахсларнинг чет элга чиқишлари учун уларга биометрик параметрларга эга бўлган хорижга чиқиш ҳужжати расмийлаштирилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар чет элга ўзларининг миллий паспортлари асосида чиқадилар, улар учун биометрик кўрсаткичларга эга бўлган ҳужжат расмийлаштириш назарда тутилмаган.

— Хорижда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биопаспортлар берилиш тартиби қандай бўлади? Улар қаерда ва қачон олишади?

— Хорижда ишлайдиган, ўқийдиган ёки узоқ муддатли сафарда бўлган фуқароларимиз қайси давлатда бўлса, ўша давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига мурожаат қилишлари мумкин.

Нурота туманидаги «Мармар барака савдо» хусусий корхонаси жамоаси

мамлакатимиз ақлини халқимизнинг гўзал байрами — Наврўз айёми билан қутлайди. Байрам шодиёналари шуқуҳи йил давомида сизларни тарк этмасин. Анъаналаримиз бардавом бўлаверсин.



Жиззах шаҳар ҳокимлиги



Юртимизга баҳор нафаси ва бетакрор гўзаллик сурурини бошлаб келган Наврўзи олам билан табриклаймиз! Наврўзнинг қадами қутлуғ, элимизнинг насибаси бутун бўлсин!

**Тошкент шаҳридаги «Ўзэнергияконметалл» МЧЖ,
«Сарикулсавдо» МЧЖ,
Қўйи Чирчиқ туманидаги «Осиё-дон импекс» МЧЖ,
«Ҳамкорбанк» Термиз шаҳар филиали,
Китоб туманидаги «Холиёр бобо набираси Бердимурод» ва
«Шукур ўғли Суяр бобо» фермер хўжалиги жамоаси**

барча юртдошларимизни қадимий айём — Наврўз байрами билан қутлайди.

Ҳамюртларимизга тинчлик, фаровонлик ҳамиша ёр бўлсин!



Нигоҳ

Байроқ

ва ундан фойдаланиш масъулиятини англамоқ — ҳар бир фуқаро учун фарзу қарз бўлган бурч!

Давлат рамзлари — муқаддас тимсол

Анвар НЕЪМАТОВ,
Тошкент Давлат юридик
институтини талабаси.



Жумладан, янги қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»-ги Қонуннинг Давлат байроғини кўтаришга оид қоидаларни белгилловчи 5-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»-ги Қонуннинг Давлат герби тасвирини акс эттиришга оид 4-моддаси янги тахрирда баён этилди. Уларда Давлат байроғини доимий равишда байрам, сайлов ёки референдум кунларида, спорт майдонларида ва бошқа жойларда кўтариш, Давлат гербини эса давлат органлари биноларида, хизмат хоналарида, қонун ҳужжатлари бланкаларида, давлат органлари ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида, бошқа объект ҳамда предметларда акс эттириш ҳолатлари кенгайтирилди.

Байроғимизда қўлланган рангларнинг ўзига хос мазмун ва аҳамиятга эга эканлиги

янада аниқлаштирилиб, тинчлик ҳамда поклик тимсоли бўлган оқ ранга тегишли тафсиллар кучайтирилди. Кирилган тўғрисида қўра, қонуннинг 3-4-моддаларидаги «Янги ой ва юлдузларнинг» сўзлари «Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш киррали юлдузларнинг» сўзлари билан алмаштирилди.

Яна бир янгилик, янги қонунга асосан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»-ги Қонунга киритилиб, Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустақамланди. Шу ўринда «Қонунга киритилган янги 5¹-моддадаги Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан қандай ҳолларда фойдаланса бўлади?» — деган савол туғилиши мумкин. Давлат байроғининг тасвирини ифодаловчи белгилар — Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига қўйилиши назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобидан туровчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автоматотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларига, Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига Давлат бай-

роғи тасвирини ифодаловчи белги қўйилиши Қонуннинг ана шу янги 5¹-моддасида баён этилди. Худди шундай қоида «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»-ги Қонуннинг янги тахрирдаги 4-моддасида ҳам белгилаб қўйилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»-ги Қонунга 5²-моддаси ҳам киритилган. Унда давлатимиз байроғи элементлари нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквезитлари ёки реклама материалларига киритилиши мумкин эмаслиги баён этилди. Байроғимиз тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат максалларида фойдаланиш ман этилиши ҳам белгилаб қўйилди. Айни чоғда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида қонунлаштирилди.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, фуқароларнинг давлатимиз байроғи рамзидан фойдаланиш масъулиятини ошириб, уни янада қадрлаш ва улуғлашга даъват этади. Шу билан бирга, келгуси авлодларга бу давлатни муқаддас бурч сифатида англайтиб, мустақил давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлашга қорлайди.

Мақол, матал ва иборалар

Халқнинг юз йиллар давомида тўплаган тажрибалари асосида юзага келган бўлиб, ўша халқнинг ҳаётий қарашлари, урф-одатлари ва менталитетининг инъикоси сифатида намойён бўлади.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Хитой филологияси факультети ўқитувчилари ва хитойлик олимлар томонидан «Ўзбекча-хитойча, хитойча-ўзбекча мақол, матал ва иборалар луғати» нашрдан чиқарилди.

Ўзбек халқи сингари хитойликлар ҳам қундалик турмуш тарзи ёки бадиий иход намуналарида мақол, матал ва иборалардан кенг фойдаланади. Ўзбек ва Хитой халқларининг тили, маданияти ўртасидаги тафовут бирмунча катта бўлиб, бу таржимада ўзига яраша қийинчиликни туғдириши та-

бидир. — Бизнинг таржима йўналишидаги ана шу муаммоларни енгиллаштириш мақсадида хитойлик тилшунос олима Ли Ямейи билан олиб борган ҳамкорлигимиз ўз самарасини берди, — дейди институт илмий ходими, луғат ҳаммуаллифларидан бири Озоджон Очилов.

Икки қисмдан иборат луғатнинг биринчи қисми ўз ичига 995 та ўзбек мақол, матал ва ибораларининг хитой тилидаги таржимаси ҳамда муқобил вариантларини жамлаган. Иккинчи қисм эса ўз ичига минг битта хитойча мақол, матал, ибораларнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва муқобил вариантларини қамраб олади. Мазкур қўлланма хитой тилини ўрганаётган ва унга қизиқиб талаба ва аспирантлар учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Ёш нотиклар Германия элчихонасида



ГФРнинг мамлакатимиздаги элчихонасида немис тилини ўрганаётган талабалар ўртасида туртинчи мартаба «Нотиклик санъати» номи остида танлов бўлиб ўтди. Фойдаларга китоб ва ўқув материалларидан иборат совринлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.


Икки босқичдан иборат бўлган танловда талабаларга Ўзбекистоннинг 2019 йилги футбол бўйича Осиё Кубоги мусобақаларини ўтказиш учун ўз номзодини қўйиши, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоси сифатида Германия кўтариши мумкин бўлган ташаббуслар ҳамда Германиянинг «Мақтаблар: келажак ҳамкорлари» ташаббусининг мақсади каби мавзуларда нотиклик маҳоратларини намойиш этиш имконияти берилди. Тан-

ловнинг асосий мақсади нотиклик борасида ёш ўзбек иқтидорларини рағбатлантириш, шу билан бирга, Ўзбекистонда немис тилини ривожлантиришдан иборатдир.

Мусобақа доирасида якуний босқичга чиққан 16 нафар талаба ўзлари танлаган мавзу бўйича ҳайъат аъзоларининг саволларига жавоб беришлари керак эди. Ҳайъат аъзолари ёш нотикларнинг тил билиш даражаси, риторик иқтидорлари ҳамда нутқнинг сифати, оригиналликга баҳо беришди. Иштирокчиларнинг аъло даражадаги маҳоратлари туфайли голибларни аниқлаш осон кечмади.

Нотиклик санъати бўйича 2011 йилдаги танлов голибларини Фаргона Давлат университетини талабаси Азизбек Ахтамов қўлга киритди.

Даромадгир Кнут ўлими



Бир неча йил мобайнида Берлин ҳайвонот боғининг рамзига айланган Кнут лақабли оқ айиқ номаълум сабабларга қўра ҳаётдан кўз юмди. Тўрт ёшли айиқча «Берлин» ҳайвонот боғига келган тахминан 700 нафар томошабиннинг кўз ўнгиде бир неча бор дурмага ерга йиқилган ва қутилмаганда жон таслим қилган. Шу боис жарроҳ экспертлар тўсатдан ўлиб қолган дунёга машҳур Кнутнинг жасадини ёриб қўришмоқчи.

Маълумки, Шарқий Германиядаги собиқ цирк айиғи бўлган онасининг «чақалоғи»дан юз ўғирини ва ҳайвонот боғи ҳодимининг Кнутни ўз босқичда парваришлаши 2006 йилда дунёнинг қўллаб оммавий ахборот воситаларида катта шов-шувга сабаб бўлган. Чунки у билан таннишиш маросимида ўзиям тўрт юз нафар журналист иштирок этганди.

Айтилишича, Томас Дерфляйн оқ айиқни бир ярим ой инкубаторда сунъий сут билан боқиб, тунларини айиқ боласи билан бирга ўтказди.

Ўзининг ёқимтойлиги билан Кнут дунё бўйлаб кўнчилиқнинг эътиборига тушади ва ҳатто Берлин ҳайвонот боғига ташриф буюрувчиларнинг ҳам сони ортади. Кнутга атаб китоблар ёзилади, DVDлар ишлаб чиқарилади. Қисқа вақт ичида глобал иқлим исишига қарши кураш ҳамда оқ айиқлар ҳимояси учун кураш ҳаракатининг рамзига ҳам айланади. Биргина 2007 йилда Кнут туфайли ҳайвонот боғи 7 миллион АҚШ долларидан зиёд пул ишлаб олганди.

Оқ айиқлар одатда 20 ёшгача умр кўришади. Шу сабабдан ҳам экспертлар Кнутнинг тасодифий ўлими сабабини аниқлаш учун унинг жасадини ёриб қўрмоқчи.

Вақтни тежаш керак, соғлиқни-чи?

Узоқ умр кўрай десангиз
Нурхон
ЭЛМИРЗАЕВА.

Узоқ умр кўришни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Кўп йил умр кўрган табаррук отахон-онахонларимизни кўрсак, ҳавас қиламиз, бизга ҳам шу ёшларга кириб юриш насиб этсин, деб ёруғ ният қиламиз. Яхши ният яхшику-я, айнан узоқ умр кўриш, саломатлик ҳар бир инсоннинг ўзига ҳам боғлиқлигини унутмаслик лозим. Шифокорлар таъбирича, ўз-ўзини эҳтиёт қилиш — саломатликни табиий озуқалар билан таъминлаш, жисмоний фаолликни ошириш, организмнинг меърида, зўриқмай ишлашини назорат қилиш узоқ умр кўришга элтувчи асосий йўллардир.



Лекин кўпчилигимиз, бу оддий вазифаларни бажаришда лоқайдликка, сусткашликка берилиб катта муаммоларни орттириб оламиз, табиийдан кўра ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишнинг афзал бўлиши, гўёки юртимизда табиий озуқалар тақчилдек. Масалан: картошка ўрнига чипс (қовурилган картошканин чиройли қадоқлангани)ни, гўшт эмас қолбаса ёки сосиска ё консерва, турли дуккакли маҳсулотлар, ёрмаларни эмас тез тайёр бўлувчи бўтқалар (рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин)ни харид қилаверамиз.

Колаверса, бу кўзни ўйнатувчи маҳсулотлар каттагина даромад манбаи эканлигини ва бунда биз харидорларнинг ҳам «кузатимиз катта»лигини яхши биламиз. Тўғри, айтмоқчи бўлганимиздек, уларнинг барчаси нафақат хушхўр, балки, қўлайлик бобида ҳам вақтимизни анчагина тежайди. Масалан, музхонамизда қолбаса ёки сосиска гамланган бўлса, қўнглимиз хотиржам: фарзандимиз эрталаб уйғониши билан уни наридан бери ёғда қовуриб ёки бутерброд қилиб дастурхонга қўямиз, вассалом. Болажонлар бундай нонуштага қаршилик кўрсатишмайди, аксинча, уйқуирабгина турган бўлишига қарамай, «кузчалари мошдек очилади»да паққос туширишади, боғча ёки мактабга олинишади. Бу оналарга, айниқса, ишлайдиган аёлларга жуда қўл келади. Чунки, эрталаб вақтларок уйғониб, сут сотиб олиб, газ плитанинг тепасида туриб ширинчи ёки

бўтқанинги пишишини кутиш, ундан кейин боланинги изидан лиқойдликка, сусткашликка берилиб катта муаммоларни орттириб оламиз, табиийдан кўра ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишнинг афзал бўлиши, гўёки юртимизда табиий озуқалар тақчилдек. Масалан: картошка ўрнига чипс (қовурилган картошканин чиройли қадоқлангани)ни, гўшт эмас қолбаса ёки сосиска ё консерва, турли дуккакли маҳсулотлар, ёрмаларни эмас тез тайёр бўлувчи бўтқалар (рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин)ни харид қилаверамиз.

Бундай маҳсулотларнинг бошқа «қўлай» томонлари ҳам бор. Масалан, оилангиз билан узоқ йўлга чикдингиз. Манзил анча олис, эрталабки нонушта билан етиб бориб бўлмайди. Йўлда бирор ошхонада овқатланиш учун каммида 25-30 минг сўм керак... Шуларни ҳисоблаб, элли хотинлигингизни эрингизга билдириб қўйганингиз келади: «Дадаси, яхшиси бир кило дудланган қолбаса олайлик, овқатдан кўра арзанга тежайди. Масалан, музхонамизда қолбаса ёки сосиска гамланган бўлса, қўнглимиз хотиржам: фарзандимиз эрталаб уйғониши билан уни наридан бери ёғда қовуриб ёки бутерброд қилиб дастурхонга қўямиз, вассалом. Болажонлар бундай нонуштага қаршилик кўрсатишмайди, аксинча, уйқуирабгина турган бўлишига қарамай, «кузчалари мошдек очилади»да паққос туширишади, боғча ёки мактабга олинишади. Бу оналарга, айниқса, ишлайдиган аёлларга жуда қўл келади. Чунки, эрталаб вақтларок уйғониб, сут сотиб олиб, газ плитанинг тепасида туриб ширинчи ёки

БИЗ СЕВГАН — «ЗАРАРЛИ МАХСУЛОТЛАР»

Мутахассисларнинг текширувлари шуни кўрсатмоқда эканки, биз тилга олган ўша қолбаса, чипс, ярим тайёр бутқалар ва шунга ўхшаш тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда уларни кўп истеъмол қилиш организм учун ниҳоятда зарарли ҳисобланар экан. Уларнинг фикрича, мазкур истеъмол товарларининг таркибида истеъмолчиларни кўпроқ ўзига тортиш ва харидорни кўпайтириш мақсадида таъм ва ҳид билувчи органларимиз бу каби сунъий кучайтирилган озиқ-овқатларнинг ўткир маза ва ҳиди-иқлими бўлиб қолган, бора-бора табиий тайёрланган овқат ва егуликлар чучук, бемаза, бетамъ туркулиб қолиши мумкин экан. Аммо кейин бу ёмон одатни ўзгартириш мумкин ва ундан воз кечиб булармикан?

— Энгинимизга либос танлашдан кўра ички аъзоларимиз билан «юзлашадиган» озиқ-овқатларни саралашга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Инсон организм учун энг мақбули — ҳам тотли, ҳам фойдали ҳисобланадиган озуқалардир, — дейди олий тоифали болалар шифокори, неонатолог Сабохат Йўлдошева. — Чиройли қадоқлардаги тайёр маҳсулотлар ёш болалар учун қанчалик ёқимли бўлмасин, уларнинг митти, мурғак организмчалари учун шунчалик зарарли. Чунки, уларнинг таркибидеги

қўшимча кимёвий озиқ моддалар ва сунъий ранг бора-бора иштахони пасайтирибгина қолмай, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши, кўзнинг хиралашуви, кечаси кўп безовта бўлиш, буйрак ва қовуқда туз йиғилиши, пешобнинг тутилиши, жигар ва ўт қопи қисмида зарарли моддаларнинг кўпайиб кетиши, умуртқа чуррасига эрта чалиниш каби хасталикларни келтириб чиқаради. Аммо кўпчилик бундай маҳсулотларга шу қадар ўрганиб қолганки, ҳатто биз ичкетар касалига чалинган болаларни даволашда қўшимча тарзда қотган нон едиршиларни буюрсак, баъзилари дарҳол дўқондан суҳаринки (ёғда таъм бериб қовуриб, қадоқланган қуритилган нон бўлақчалари) сотиб олишади. Аммо бу — ранг бериб ишланган нонлар касалликни даволаш эмас, аксинча кучайтиришга олиб келади. Кузатувларимдан сезамани, оналаримиз бугун кўпроқ тайёр нарсаларни сотиб олишни афзал қўрмоқда. Ҳар бир хонадонда қотган нонлар бўлади, уни ахлатга ёки молга бермасдан, ҳавончада туйиб, талқон қолди ёки кубик шаклида тўғраб газ печиде сал қизартириб олиб қўйсалар юқоридеги ҳолатларда жуда-жуда асқотган бўларди. Ёки ич кетиш энди бошланган болага ёғли овқат эмас, кун давомида нон талқони ва турчули оқ ош ичкизиса, дори-дармон ва нинадан азобланишларга ҳоҳат қолмаслиги мумкин. Қолбаса ва сосискаларга келсак, улар гижжа ва кўртларни «нақирувчи энг осон тадбир»лардан саналади. Ундан фарзандларимизни ҳимоя қилмоқ керак.

КЎШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

«Агар ота-оналар фарзандларига шоколад ёки чипс эмас, янги узилган сабзидани бериб ва ўзлари ҳам: «Ох, қандай ширин экан, янги, чиройли!», дея уларнинг кўз ўнгиде қарсиллатиб еяверсалар, болалар ҳам беихтиёр кўлларидаги сабзидани мазза қилиб ейишни ўрганиб, одатланишади, — дейди 65 ёшли Мухлиса я Раҳимова. — Мен кўпроқ табиий нарсаларни истеъмол қилишга болаларимни ҳам, набираларимни ҳам ўргатиб боришни одат қилганман ва буни оналик, бувилик вазифам деб биламан. Шунинг натижаси бўлса керак, улар бўлар-бўлмаста оғриб қолишмайди, касалликка чалинсалар тез энгишади. Чунки, сабзи иштахони очибгина қолмай, иммунитетни оширади, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, овқат ҳазм бўлишини таъминлайди. Эрталаб ейилгани тишларни тозалайди, кўз нури-ни ўткирлаштиради, гемоглабинни кўпайтиради. Шунингдек, овқатланиш рационимизга ўзимизнинг мош, ловия, буғдой, арпа, сули каби дуккакли ва бошқоқли неъматларимизни киритсак, нур устига аъло нур бўлурди. Буларда ҳижмат кўп. Не-не халқлар орзу қилган Ўзбекистондек жаннатмақон дёрда яшаб туриб, оёғимиз остидаги мана шундай табиатнинг бебаҳо неъматларидан фойдаланмай бўлмас, ахир.

«ҲАМ КЕЧИРАДИ, ҲАМ ТИКЛАНАДИ»

Хулоса ўрнида таниқли парҳезшунос, соғлом ҳаёт тарғиботчиси Пол Бреггнинг маслаҳатларини ҳавола этишни лозим топдик: «Инсон организмнинг энг аълоий хусусиятидан бири, бу — тикланиш хусусияти. Бирор жойимизни кесиб олсак, янги тўқима жароҳат олган жойни эгаллаб, битиб кетади. Сўяк синса, янада мустақам битади. Фақат озгина гамхўрлик қийфа. Йиллар давомида кечирган нотўғри турмуш тарзининг организмига зарар етказган экан, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, вақт ва ҳаракатни аямасангиз, у етарли даражада яхши тикланади. Аммо бунда мўъжиза кутмай қўя қолинг — организмнинг хароб қилиш учун кўп вақт талаб этилган эди, энди уни тиклашга ҳам кў-ў-ў вақт керак бўлади».

Сўнгги саҳифа



Қосимжонов — Ананд беллашуви

Шахмат

Давур ЖОЗИЛОВ, «Адолат» мухбири.

Ўзбекистон шахмат Федерацияси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ташаббуси билан Тошкентда шахмат бўйича амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ва 17-жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўртасида ўртоқлик учрашуви ташкиллаштирилмоқда. Шахматнинг

тезкор усулида ўтказилиши белгиланган баҳси 4 партиядан иборат бўлиб, ҳар бир юришга 25 дақиқадан вақт берилади.

Таъкидлаш керакки, 26 дан 29 мартгача давом этадиган лойиҳа доирасида пойтахтимизда қатор тадбирлар ўтказилади.

Тадбирни 26 март кuni Фонд Форумнинг конференциялар залида Вишванатан Ананд ва Рустам Қосимжонов матбуот анжумани ўтказиш билан очиб берилади.

27 март кuni «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида жаҳон чемпиони ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтса, эртасига Республика шахмат клубида Вишванатан Ананд ва Рустам Қосимжонов юртимизнинг энг кучли ёш шахматчилари билан алоҳида баҳс ўтказилади.

Ананд ва Қосимжонов ўртасида ўтказилган тезкор шахмат бўйича 8 та учрашув статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирча ҳисобда Ананд (4,5 — 3,5) олдинда бормоқда.

Омад сизга, уста!

Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси, моҳир ҳунарманд Расулжон Мирзааҳмедов ҳунармандчилик йўналиши бўйича «Ташаббус — 2011» Фарғона вилояти босқичида голиб чиқди

Танишинг, партиядошимиз!

Абдулла СОЛИЕВ, журналист.

Марғилонда Турғунбой ака Мирзааҳмедовни ҳамма «уста» деб ҳурмат қилишарди. У қўлда хон атлас тайёрлаш ва матога гул солишда ўзига хос мактаб яратганди. 2005 йил Республикада йилнинг энг яхши ҳунарманди деб тан олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини билан тақдирланганди... Бугун унинг ўғли Расулжон Мирзааҳмедов ҳам ота изидан бориб, хон атласларни адрасларни, улардан тайёрланган турли маъсулотлари жаҳонга кўз-кўз қилиб келмоқда. Сулола фаолиятини давом эттираётган Расулжоннинг уста-шогирд мактаби бугун республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида фаолият олиб бормоқда. Бухоро, Хива ва Бойсундаги шундай мактабларда Бухоро «Аъло бахмали», «Хоразм «Турма белбоғи», Бойсуннинг «Жанда», «Алифи» матолари қайта тикланди. Масалан, «Аъло бахмал» матосидан жаҳондаги кўплаб дизайнерлар ўз ишларида фойдаланишни эътиборга олиб, ЮНЕСКОнинг Бош директори Коичиро Матеура ўзбек ҳунарманди ишига юксак баҳо берди.

Расулжон Мирзааҳмедовнинг ҳунармандларга қўлланма сифатида ёзган «Табиий ранглар сири» китоби 2007 йил ЮНЕСКО томонидан ўзбек тилида нашр этилиб, барча ҳунармандларга бепул тарқатилди. Унинг «Читгарлик сирлари» китоби ЮНЕСКО кўмагида, «Читгарликда ишлатиладиган қопиллар» номи билан рисола эса Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси иштирокида нашр қилиниши арафасида турибди. Бу ҳам Марғилонлик ҳунарманд фаолияти дунё ахли назарига тушганидан далolat.



ярли йўқ бўлиб кетаётган машхур адрас ва атлас турлари тўқилишини йўлга қўйилди. Шунингдек, устaxonда ипакли гилам тўқишга ҳам киришилди.

Устанинг турмуш ўртоғи Инобатхон Қосимова ҳам ўзининг каштачилик бўйича уста-шогирд мактабини очиб, бу борада қизгин фаолият юритиб келаётган тадбиркор аёллардан. Бугун улар томонидан тайёрланаётган Фарғона каш-

тачилиги намуналари — «Чойшаб», «Ёстик жилд» нусхалари ва бошқа турли буюмлар хорижлик меҳмонларни лол қолдирмоқда. ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган «Водий камалаги» фестивалида голиб чиқиб, махсус диплом билан тақдирланган. Фарзандлари — Абдуллоҳ, Нейматуллоҳ ва Робияхонлар ана шундай машхур ҳунармандлар оиласида камол топтомоқда.

— Беш йилдан буён Америкада ўтказилаётган дунё ҳунармандлари кўргазмасида қатнашиб келаман. Афғонистон, Япония, Франция ва бошқа давлатларда шахсий кўргазмаларим бўлиб ўтди, — дейди у биз билан сўхбатда. — Табиий ранглар бўйича дунёдаги 5 нафар ҳунарманд мутахассиснинг бири деб тан олинганимдан беҳад бахтиёрман...

— Расулжоннинг ҳунармандчилик борасида олиб бораётган ишларига Президентимиз ҳам юксак баҳо бериб, икковлар бирига суратга тушганлар, — фахр билан изоҳ берди Ўзбекистон «Адолат» СДП Марғилон шаҳар Кенгаши раиси Э.Ғофуров. — Уста партиямиз фаолиятини ривожлантиришда ҳам фаол, жонкуяр. Айни кезда шаҳар Кенгаши раис ўринбосари ҳам. «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишонини» ва «Ўзбекистон белгиси кўкрак нишонини» билан тақдирланган садошларимиздан бири...

Ўзбек санъати довуғини дунёга танитаётган моҳир ҳунарманд, «Хунарманд» уюшмаси Кўштепа туманларода бўлими ва Марғилон шаҳар «Олтин мерос» хайрия жамғармаси бошлиғи, «Хунарманд» уюшмаси Фарғона вилоят бошқармаси Бадийи Кенгаши раиси, партиядошимиз — Расулжон Мирзааҳмедовга «Ташаббус — 2011» Республика босқичида ҳам омад тилаймиз.

“Наврўзи олам муборак!”

Юртимизда давом этаётган Наврўз байрами тадбирларида халқимизнинг аҳиллик, бағрикенглик фазилатлари ифода этилаётир.

Тадбир

М.АМИН (ЎзА) олган сурат

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва историхат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ўтказилган “Наврўзи олам муборак!” номи маърифий тадбирда юртимизда тур-

ли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек тотувликда яшаши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилди.

Унда турли ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий-маданият марказлар, юртимиздаги хорижий дипломатик корпуслар ва халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзаро тотувликни янада мустаҳкамлаш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий-маданият марказларга яқиндан кўмаклашиш, бағрикенглик таъминини қарор топтириш йўлидаги жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу сый-ҳаракатлар Республика Байналмилал маданият маркази фаолиятида муҳим йўналишлардан биридир. Юртимизда яшаётган бир юз ўттиздан ортқ миллат ва элат вакиллари маданияти, анъаналари, ижод

намуналарини акс эттирвчи бадий ва фото кўргазмалар, маърифий лойиҳалар, дўстлик фестиваллари, илмий-ижодий анжуманлар, кўрик-танловлар, концертлар бунинг амалдаги ёрқин далилидир.

Байрам тадбирида турли миллат вакиллари аънава ва қадриятлари, ижодкорларнинг ҳунармандчилик ва тасвирий санъатга оид кўргазмаси ташкил этилди. Таниқли санъаткорлар ва миллий-маданият марказлар жамоаларининг мусиқий концерти намойиш этилди.



Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида “Bazar-Art” анъанавий кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

“Bazar-Art” га марҳамат!

Назарбек МАЙЛИЕВ.



“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг “Ijod” уюшмаси ҳамда “Устазода” бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма-ярмаркада юртимиздаги уста ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

— Сопол идишларга халқимизда азалдан эҳтиб қатта, — дейди Хоразмлик кулол О.Матчонов. — Сабаби, уларни ишлашда ҳам, буюшда ҳам фақат табиий хомашдан фойдаланилади. Бундай кўргазма-ярмаркалар ҳунармандларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлишида алоҳида аҳамиятга эга.

Кўргазма-ярмарка доирасида халқ амалий санъатининг кўна турларини тиклаш ва ривожлантириш борасида самарали фаолият кўрсатаётган уста ҳунармандлар ва уларнинг шогирдларига грантлар топирилиши кўзда тутилган.

Аёлга бахт беринг

Ўйлар

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА.

Баҳорни азалдан хотин-қизларга қиёс қилишган. Чунки улардаги гўзаллик, ҳусн-лауфат, нафислик баҳорни эслатиб туради. Хусусан, майда қилиб ўрилган қирқ кокилар кулф уриб эгилган мажнунтолга, киприklar майсага, лаблар гунчага, қирмизи юзлар, ёноқлар лолага ўхшайди.

Аммо кейинги вақтларда бу ўхшашликлар биров камайиб бораётгандек — калта сочлар, юз ёноқлардаги сохта ранглар, аёлликка хос бўлмаган юриш-туришлар, ҳатти-ҳаракатлар табиийлигини сусайтиргани ҳолда, баҳорга қиёс этишга йўл қўймаётгандек, гўё. Зеро, келинчак фасл — ҳамшиша табиий, унда сохталик йўқ, шунинг учун ҳам ҳаммамиз уни севамиз. Унга ўхшаш чехралар, унга ўхшаш қалбларни ҳам.

Минг шукрки, ўз иймон-эътиқодига, урф-одатларига содик, табиий хуснини, аёллик латофатини сақлаб қолишга интилаётган, қолаверса, атрофдагиларга ҳам буни сингдиришни ўз вазифаси деб билувчи муноси онажонларимиз, опа-сингилларимиз борки, юқоридаги чиройли таърифлар ўз кучини йўқотмайди.

АЁЛЛИГИНИНГ ҲАММАМИЗ ҲАММИЗ

Яқинда бир танмиш опамизникига борсам, ўқиб-ўқиб йўғлаб ўтирибди. Ота-онасидан жуда ёшлиғида ажралган бу аёлнинг сабр-матонати, бардошлилиги, садоқатига ҳаммамиз ҳаваси келди. Турмуши, шароитлари ҳам рисоладагидек. Шириндан-шакар ўғил-қизларнинг сукули онажониси.

Хафалигининг сабабини сўраганим, яна тўлиб кетди. Ва бир амаллаб дардини ёрди. Айтишича, шу вақтгача ораларидан бирор марта ҳам ола мушук ўтмаган эр-хотин айтишиб қолишибди. Эр аёлининг айбизилигини билса-да, қаттиқ ҳақоратлабди. Бу ҳам етмагандек қўшиб қўйибди: “Биласанми, мен шу вақтгача сени кўнглим ўқиб(!), деб ҳафа кўнглимнинг, сени фақат кўнглимга қараб келган-

ман, кўнглимга! Сен буни тушунмас экансан!” Эшитяписими, “кўнгли ўқиб” деб кўнглига қараганмиш. Аслида, хотиннинг кўнглига қараш учун унинг аёллигининг ўзи етарли эмасми?!

Менимча, ўзини асл эркак санаган киши аввало, аёлини бахтли қилиш, унга меҳрибон, ҳақиқий жуфти ҳалол бўлишга ҳаракат қилади.

АТИРГУЛГА ЭЪЗОЗ КЕРАК

Шоирлар ўз шеърларида аёлини кўпинча атиргулга қиёслашади. Дарҳақиқат, атиргул гўзал аёлларимиз каби нафис, жозибали, кўркам ва жуда нозик. Унинг янада чиройли ва узоқ яшаши учун узиб ёки синдириб ташлаш эмас, унга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, уни ёмғиру дўллардан, изгирин совуқлардан асраб-авайлаш орқалигина унинг барҳаётлигига эришиш мумкин. Аксинча, у яшай олмайди.

ОНАЛАР — ҲАММАМИЗНИНГ ОНАМИЗ

Қишлоққа бориб бир ноҳуш гапни эшитиб қолдим. Насим аканинг беваеси тўрт боласи билан шароити оғирлашиб қолган ноҳорликдан пойтахтга иш излаб келган экан. Мардикор бозорда иш таклиф қилганлардан бирининг машинасида кетганлигини бирга борган таниш-билишлар кўришибди. Шу-шу бошқа буй кўрсатмабди. Уч ой, олти ой ўтибди ҳамки, дарак бўлмабди. Ва ниҳоят 8-сентябрда ўқиб юрган катта қизига ўқитувчиси онасидан келган хатни берибди. Мақтубини ўқигач, қиз ўзини йўқотиб, ҳушидан кетибди. Муаллимлар ўқиб кўришса,

мазмунини кўйидагича эмиш, яъни онаизор иш излаб чиққанидан қаттиқ пушаймондчилигини, иш таклиф қилганларнинг нафсониятини, номусини поймол қилишганини, ҳуллас, шу туфайли энди қишлоққа, фарзандлари бағрига қайтишга юзи шувитлигини ёзган эди. Бу шум хабардан бутун қишлоқ ахли мотамда эди, гўё. Саидадек бокира аёлнинг эри ўлгач, унга садоқати, севгиси ҳурмати не-не турмуш қуриш истагига юрганларга розилик бермаган аёлнинг қисмати... Фарзандларини айтмаймизми?

У ҳолатдан хавотирга тушмасликнинг илоҳи йўқ. Кейинги пайтларда бир-биримизга, айниқса, ахли аёлларимизга, қизларимизга нисбатан безътибор бўлиб бормаяпмизми? Кўча-қўйда, автобусларда хотин-қизга нисбатан бир муштумзур ёки шилқимнинг зўравонлик қилиб турганини кўра-миз-у, унинг қўлини қайириб қўйиш у ёқда турсин, ҳеч йўқса оғзини ёпиб қўйишга ҳам журъат этолмаймиз. “У бизнинг қизимиз эмас, ё аёлимиз ҳам эмас”, деб ўзимиздан соқит қилиб кетавермиз. Ўйламаймизки, у ҳам кимнингдир жигарпораси. Ёки ўзимизнинг қондошимиз, дилбандимиз, онамиз, ахли аёлимиз ҳам бир кунини шу аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Ўзимизни гўё кўрмаганга оламиз. Қарабсизки, оқизаларга нисбатан хурматсизлик қилиш урчиса-урчидики... Ахир, бир охиридан хавф-хатардан асраб қолиш учун бутун мамлакат оёққа туришга арзийди-ку! Бу ҳақда қатор дostonларимиз, асарларимиз бор.

Саида опа сингариларнинг ожизлигиндан фойдаланиб, бахтсиз қилиб “ҳузур” топаётган айрим эркакларни эркак, деб санаш мумкинми? Қани, эрлик, эркаклик гурури, қани уларда муқаддас аёл зотиға бўлган меҳр-муҳаббат ёки жила бўлмаса унга ёрдам бериш масъулияти? Аёллар — жумлаи жаҳон онаси, ҳаммамизнинг онамиз эмасми? Уларга кўз ёш эмас, фақат бахт берайлик, яхшилар! Зеро, улар бахт билан тирик ҳарқачон!

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Ташхир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамозир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда ҳатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибхона — 233-41-59.

Навбатчи муҳаррир — Н. САБДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Н. АБДУХАЛИЛОВ.

1995 йил 22 февралдан чика бошланган

Тиражнинг насли: 100000. Ташхир ишлари, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таъхирини рухсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақола белгиси.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ-300. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 8255. Босишга топириш вақти — 22.15. Босишга топирилди — 23.15 1 2 3 5